2.5. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият тўлиқ хўжалик ҳисобида, ўз -ўзини қоплаш (жумладан валюта билан ҳам), ҳамда ўз-ўзини пул билан таъминлаш асосида фаолият кўрсатади. Жамият ўз номидан шартномалар тузиш ва шахсий номулкий ҳуқуқларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2.6. Жамият фаолиятининг мақсадлари ва мулкининг нимага мўлжалланганлигидан келиб чиқиб, ундан (мулкдан) амалдаги қонунчиликка мувофиқ фойдаланилади ва унга эгалик қилади.

2.7. Жамият ўз фаолиятини мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ амалга оширади.

– Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

– Рўйхати қонунларда белгиланадиган айрим фаолият турлари билан жамият фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

2.8. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчисининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

2.9. Жамиятнинг иштирокчиси унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзи қўшган ҳисса қиймати доирасида жавобгар бўлади.

– Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчиси жамият мажбуриятлари бўйича иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисми қиймати доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.10. Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

2.11. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.12. Жамият хўжалик фаолияти учун зарур бўлган экспорт-импорт операцияларини ўзи мустақил ҳал килиши ҳуқуқига эга.

2.13. Жамият зарур ҳолларда қарз олиши ва қарз бериши мумкин.

## III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

## IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон иқтисодиётига янги ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ қилиш, Ўзбекистон бозоридаги товарлар ва хизматларга бўлган талабларини тўлиқ қондириши учун ишлаб чиқариш, тижорат ва воситачилик, хизматлар кўрсатиш, ички бозорни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, шунингдек турли хил тижорат хизматларини кўреатиш, натижада таъсисчилар манфаатлари учун фойда олиш.

Қуйидагилар Жамият фаолиятининг предмети хисобланади:

Жамият фаолиятининг предмети бўлиб, ***<u>Қурилиш лойихаларини ишлаб чиқиш (ифтут 41.10.0</u>):***

*шу жумладан:*

- *Келгусида сотиш мақсадида лойиҳани амалга ошириш учун молиявий, техник ва жисмоний маблағларни бирлаштириш йўли билан турар жой ва нотурар жой биноларини қуриш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш*
- *<u>Меъморчилик соҳасидаги фаолият (ифтут 71.11.0</u>):*
- *Меъморчилик соҳасидаги маслаҳат хизматлари*
- *Биноларни лойиҳалаштириш, жумладан ишчи чизмалар тузиш*
- *Шаҳарларни планлаштириш, жумладан ландшафт меъморчилиги*
- *<u>Мухандислик изланишлари соҳасидаги фаолият ва бу соҳаларда техник маслахатлар бериш (ифтут 71.12.0</u>):*
- *Мухандислик дизайни (яъни машиналар, материаллар, асбоблар, тузилмалар, жараёнлар ва тизимларнинг конструкциясини ишлашда физика қонунлари ва инженерия принципларидан фойдаланиш) ва бу соҳада маслахат хизмати кўрсатиш:*
- *Машинасозлик, саноат қурилишини лойихалаштириш*
- *Фуқаролик қурилиши, гидротехник иншоотлар ва транспорт қурилишини ўз ичига олган лойиҳалар*
- *Сув ресурсларини бошқариш лойиҳалари*
- *Электроника ва электротехника, тоғ-кон инженерияси, кимёвий технологиялар, машинасозлик, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, хавфсизлик техникаси бўйича лойиҳалар*

- *Кондициялаш, совутиш тизимлари, атроф муҳитнинг санитар ҳолати ва ифлосланишини назорат қилиш борасидаги мухандислик ишланмаларининг лойихаларини ишлаб чиқиш*
- *Геофизик, геологик ва сейсмик тадқиқотлар*
- *Геологик ўрганиш бўйича ишлар*
- *Геодезик ўрганиш бўйича қуйидаги ишлар:*
- *Ер майдонлари ва уларнинг чегараларини ўлчаш*
- *Гидрологик қидирув ишлари*
- *Ер ости қатламларини ўрганиш бўйича ишлар*
- *Картографик фаолият ва фазовий ахборотлар соҳасидаги фаолият*
- *<u>Техник синовлар ва таҳлиллар (ифтут 71.20.0)</u>;*
- *Акустик ва вибрацион синовлар*
- *Минераллар таркибини ва улардаги аралашмаларни синаш*
- *Овқатланиш гигиенаси соҳасидаги синовлар, жумладан ветеринар назорати ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш устидан назорат*
- *Материалларнинг куч, қалинлик, чидамлилик, радиоактивлик каби физик ва эксплуатацион хусусиятларини синаш*
- *Материалларнинг хусусиятлари ва ишончлилигини синаш*
- *Монтаж қилинган механизмларнинг эксплуатацион хусусиятларини синаш: двигателлар, автомобиллар, электрон ускуналар ва ҳ.к.*
- *Пайванд чоклари ва бирикиш жойларини радиографик тестдан ўтказиш*
- *Емирилишларни таҳлил қилиш*
- *Атроф муҳит параметрларини текшириш ва ўлчаш: ҳаво ва сув ресурсларининг ифлосланиши*
- *Маҳсулотларни, жумладан халқ истеъмол моллари, машина двигателлари, ҳаво-транспорт техникаси, босим остидаги контейнерлар, атом электр станцияларини, сертификациялаш*
- *Йўл хавфсизлигини таъминлаш учун автотранспорт техникасини даврий синовдан ўтказиш*
- *Моделлар ва макетлардан фойдаланиб синов ўтказиш (масалан: ҳаво-транспорт техникаси, сув усти техникаси, тўғонлар)*
- *Полиция лабораториялари фаолиятини бошқариш*
- *<u>Ихтисослашган дизайнерлик фаолияти (ифтут 74.10.0)</u>;*
- *Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, пойафзал, қимматбаҳо тақинчоқлар, мебелларнинг моделини тайёрлаш ва интерьерни безатиш, бошқа модали товарларнинг, шунингдек шахсий фойдаланиш учун предметлар ва маиший товарларнинг моделини тайёрлаш*
- *Саноат дизайни – инсон фактори ва эҳтиёжи, хавфсизлиги, тақсимлаш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бозор муомалаларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотдан фойдаланишни, унинг баҳоси ва ташқи кўринишини оптималлаштирувчи, жумладан маҳсулотни тугалловчи материали, механизмлари, шакли, ранги ва сиртининг дизайни ва техник тавсифларни яратиш ва ишлаб чиқиш*
- *Графика дизайнерларининг фаолияти*
- *Интерьер дизайнерларининг иши*
- *<u>Бошқа тоифаларга киритилмаган профессионал, илмий ва техник фаолият (ифтут 74.90.0)</u>:*
- *Тижорат маклерлари фаолияти, яъни кичик бизнес корхоналари учун олди-сотди битимларини ташкил этиш, кўчмас мулк билан операциялар бўйича брокерлар хизматидан ташқари*
- *Патент бериш бўйича брокерлар хизмати (патентларнинг олди-сотдисини ташкил қилиш)*
- *Баҳолаш бўйича хизматлар, кўчмас мулкни ва суғурта объектларини баҳолашдан ташқари (антиквариат, қимматбаҳо буюмлар ва ҳ.к.)*
- *Векселларни текшириш ва юк тарифлари бўйича маълумот*
- *Об-ҳавони олдиндан айтиб бериш*
- *Хавфсизлик соҳасида маслаҳат хизматлари*
- *Агрономия соҳасида маслаҳат хизматлари*
- *Атроф муҳит соҳасида маслаҳат хизматлари*
- *Маслаҳатчилар иши, меъморчилик, мухандислик ва бошқарув соҳасидаги маслаҳатлардан ташқари*

- *Бошқа техник маслаҳатлар*
- *Смета тузувчи мухандислар иши*
- *Жисмоний шахслар номидан агентлар ва агентликлар амалга оширадиган ишлар, жумладан киноиндустрия маҳсулотлари, театр саҳна асарлари ёки бошқа кўнгилочар бизнесда ва спорт мусобақаларида ўз ҳиссаси билан қатнашишни, ҳамда ношир ва продюсерлар билан ҳамкорликда китоб, ўйин, санъат асари ва фотосуратларни нашр қилиш ва ҳ.к.*
- *<u>Турар жой биноларини қуриш (ифтут 41.20.1);</u>*
- *<u>Яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш (ифтут 41.20.2)</u>;*
- *Барча турдаги турар жой биноларини қуриш:*
- *Бир квартирали уйлар*
- *Кўп квартирали уйлар, жумладан кўп қаватли бинолар*
- *Барча турдаги нотурар жой биноларини қуриш:*
- *Саноатда фойдаланиш учун бинолар, масалан, фабрикалар, устахоналар, йиғув цехлари ва ҳ.к.*
- *Касалхоналар, мактаблар, офис бинолари*
- *Меҳмонхоналар, дўконлар, савдо расталари, ресторанлар*
- *Аэропортлар бинолари*
- *Ёпиқ спорт комплекслари*
- *Спорт майдончаларини ташкил этиш;*
- *Гаражлар, жумладан ер ости тўхташ майдончалари*
- *Омборлар*
- *Диний мақсадлар учун бинолар*
- *Участкаларда йиғма конструкцияларни монтаж қилиш ва ўрнатиш*
- *Мавжуд турар жой иморатларини тиклаш ёки реставрация қилиш*
- *<u>Электротехник ва монтаж ишлари (ифтут 43.21.0);</u>*
- *Қуйидагиларни ўрнатиш:*
- *Электр симлар тармоғи ва фурнитуралар*
- *Телекоммуникация симлари*
- *Компьютер тизимлари ва телевизион кабеллар, жумладан оптик толали кабеллар*
- *Йўлдош тарелкалари*
- *Ёритиш тизимлари*
- *Ёнғинга қарши сигнализациялар*
- *Ҳимоя сигнализациялари*
- *Кўчаларни ёритиш ва электр сигнал ускуналари*
- *Учиш-қўниш майдонини ёритиш*
- *Қуёш энергиясининг электр коллекторлари*
- *Электр ускуналар ва маиший асбобларни, жумладан плинтус радиаторларини улаш*
- *<u>Изоляциялаш ишлари (ифтут 43.29.1);</u>*
- *<u>Бошқа тоифаларга киритилмаган қурилиш-монтаж ишлари (ифтут 43.29.9);</u>*
- *Бинолар ва бошқа қурилиш иншоотларида қуйидагиларни монтаж қилиш:*
- *Лифтлар, эскалаторлар, шу жумладан уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш*
- *Автоматик ва айланма эшиклар*
- *Яшинқайтаргичлар*
- *Чанг ютиш тизимлари*
- *Термо-, овоз- ёки виброизоляция*
- *<u>Полларни қоплаш ва деворлар сиртини қоплаш (ифтут 43.33.0)</u>:*
- *Бинолар ва бошқа қурилиш иншоотларида плитка териш, ёпиштириш, ўрнатиш ёки бирор бир қисмларни йиғиш:*
- *Керамика, бетон ёки йўнилган тошдан пол ёки девор учун плиткалар, шунингдек керамик печларни ўрнатиш*
- *Паркет ва бошқа ёғоч пол қопламаларини, ёғоч девор қопламаларини ўрнатиш*
- *Ковролан ва линолеумлар, жумладан резина ва пластик пол қопламалари*
- *Венеция мозаикаси, мармар ёки плиталардан пол ёки девор қопламалари*

- *Гулқоғоз ёпиштириш*
- *Полларни циклёвка қилиш*
- *<u>Бўёқчилик ва ойна солиш ишлари (ифтут 43.34.0)</u>:*
- – *Биноларни ички ва ташқарисини бўяш*
- – *Фуқаролик қурилиши объектларини бўяш*
- – *Ойналар ва кўзгуларни ўрнатиш*
- *<u>Бошқа пардозлаш ишлари (ифтут 43.39.0)</u>;*
- – *Қурилиш тугагандан сўнг янги биноларни тартибга келтириш*
- – *Бошқа тоифаларга киритилмаган безатиш ишлари*
- *<u>Бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ишлари (ифтут 43.99.0)</u>:*
- – *Иншоотларнинг хар хил турларини бирлаштирувчи бир аспектга қаратилган, ихтисослаштирилган малака ёки ускуналарни талаб қилувчи қурилиш ишлари:*
- *Пойдевор қуриш, шу жумладан қозиқоёқ (свая) қоқиш ишлари*
- *Намлик ва сув изоляцияси ишлари*
- *Биноларнинг захини қочириш*
- *Шахта қудуғини кавлаб кириш*
- *Пўлат конструкцияларни ўрнатиш*
- *Пўлатни эгиш*
- *Ғишт ва тош териш*
- *Баландликда ишлаш, шунингдек тегишли ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича маълум малакани талаб қилувчи ихтисослаштирилган ишлар, масалан, баландликдаги иншоотлардаги ишлар*
- – *Ер ости ишлари*
- – *Очиқ бассейнлар қуриш*
- – *Биноларнинг ташқи деворлари учун буғ билан тозалаш, қумпуркагич ёрдамида ишлов бериш ва бошқа шу каби ишлар*
- – *Қурилиш майдончасида жойлаштирилган кранлар ва бошқа қурилиш ускуналарининг оператори билан бирга ижараси (масалан, кран билан жиҳозланган юк автомобиллари, ортиш-тушириш ишлари учун бошқа ускуналар ходимлари билан)*
- *Ҳавозаларни, иш майдончаларини ўрнатиш ва демонтаж қилиш, ҳавозалар ва иш майдончалари ижарасидан ташқари*
- *Мўрилар ва саноат печларини ўрнатиш*

***Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли қонунининг 19-моддасига асосан Тадбиркорлик субъектлари қонун хужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли.***

***Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таъсисчилари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг фақат асосий турларини санаб ўтишга ҳақли. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолият тури билан ҳам шуғулланиши мумкин.***

***Махсус Рухсатнома керак бўлган фаолият турлари билан Жамият мос лицензия олганидан кейин шуғулланади.***

## V. ТАЪСИСЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. **<u>Жамият таъсисчисининг ҳуқуқлари:</u>**

- – Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- – Қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия хужжатлари (дафтарлари) ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- – Фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- – Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча

иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни (бир қисмини) ёки унинг қийматини олиш;
- Жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. **Жамият таъсисчисининг мажбуриятлари:**
- Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга амал қилиши;
- Қонун хужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.
- Жамиятни бошқариш;
- Жамият иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

## VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.
6.2. Жамиятнинг мол-мулки ва маблағлари Таъсисчига унинг устав фондидаги улушига мутаносиб равишда тегишли бўлади.
6.3. Жамиятнинг мол-мулки:
- Таъсисчининг улушидан;
- Жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;
- Фуқароларнинг, шунингдек муассасалар, корхоналар ва жамоат ташкилотларининг ихтиёрий улушлари ва ажратмаларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан рухсат этилган ижара ва бошқа тўловлар ва бадаллардан;
- Қайтариб олинмайдиган ёрдам ва хайрия бадалларидан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

## VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун Таъсисчи ҳисобидан Устав фонди ташкил қилинади. Жамият устав фонди унинг Таъсисчиси улушининг номинал қийматидан таркиб топади ва **2 000 000 (Икки миллион)** сўмни ташкил қилади.
7.2. Жамият Таъсисчисининг Устав фондидаги улушининг миқдори ва унинг номинал қиймати қуйидагичадир:

❖ **Rajabov Sherozjon Shokirjon o‘g‘li – «Жамият»**нинг Устав фондини **2 000 000** сўм миқдорида шакллантиради ва бу **«Жамият»** Устав фондини **100%**ни ташкил этади.

7.3. Жамият таъсисчисининг устав фондига қўшадиган ҳиссаси турли кўринишда бўлиши мумкин: Кўчмас мулк (бино-иншоатлар), мол-мулк, асбоб-ускунлар, халқ истеъмол моллари, транспорт воситалари ва бошқа қимматбаҳо нарсалар, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар, (шу жумладан интеллектуал мулк ва ҳ.к.лар), миллий валюта (сўм) ва чет эл валютасидаги пуллар.
7.4. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссанинг пул баҳоси жамият иштирокчиси томонидан қабул қилинадиган қарор билан тасдиқланади.
7.5. Пулга баҳоланган улуш Иштирокчининг Жамият Устав фондидаги ҳиссасини ташкил этади.
7.6. Иштирокчининг Устав фондига пул миқдорида қўшаётган ҳиссаси Жамият ҳисоб рақамларига мазкур ҳисоб рақамлари очилган кундан бошлаб 1 йил ичида ўтказилади.
7.7. Жамиятнинг иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.
7.8. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

7.9. Жамият Таъсисчисининг қарорига асосан Устав фондини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.
7.10. Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор таъсисчи томонидан ўз улуши тўлиқ киритилганидан кейингина кабул қилиниши мумкин. Жамият Устав фондини кўпайтириш таъсисчи томонидан қўшимча улуш киритиш ва/ёки Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан(га) амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини Жамиятнинг соф фойдаси (мол-мулки) ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор (фақатгина) бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.
7.11. Жамиятнинг устав фондини камайтириш таъсисчига тегишли бўлган улушнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида Жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.
7.12. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун таъсис хужжатларига (Уставга) тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.
7.13. Устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, жамиятнинг мол-мулкни берган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақига тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар жамият иштирокчисининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор жамиятнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатидан илгари тугатилганда жамият иштирокчиси томонидан қабул қилинади.
7.14. Таъсис ҳужжатларида жамият иштирокчиси томонидан устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг муддатидан илгари тугатилганлиги учун жамият иштирокчиси томонидан товон тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлиши мумкин.
7.15. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг устав фондига ҳисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, агар таъсис ҳужжатида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолаверади.

## VIII. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИНИНГ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ, ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ (УЛУШИ БИР ҚИСМИНИНГ) ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ТАЪСИСЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

8.1. Жамият таъсисчисининг жамиятдан чиқиши, улушининг бошқа шахсларга ўтиши ва унинг окибатлари:

- Жамият иштирокчиси ўз улушини (улуши бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин. Бундан сўнг жамият таъсис хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.
- Жамият таъсисчиси ихтиёрий равишда ўзининг тўлиқ улушини бошқа шахсларга сотиши ёки бошкача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин, бу ҳолда у жамият таъсисчилигидан чиқади ҳамда бундан сўнг жамият таъсис хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.
- Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўлангунга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.
- Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.
- Жамият иштирокчиси ихтиёрий равишда ўзининг тўлиқ улушини бошка шахсларга сотмасдан ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечмасдан жамият иштирокчилигидан чиқиши мумкин, бу холда жамият амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ тугатилади.

- Мазкур уставда кўзга тутилмаган иштирокчининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## IX. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

9.1. Жамият, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қуйидаги ҳужжатларни доимий муддат мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- Жамият иштирокчилари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- Жамият иштирокчисининг қарорлари;
- Аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

9.2. Жамият ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда ёки жамият иштирокчиларига маълум бўлган ва улар учун қулай бўлган бошқа жойда сақлайди.

## X. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

10.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор коньюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

10.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

10.3. Жамиятнинг моддий-техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий активлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Жамиятнинг барча маблаглари тўлиқ унинг тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилиши мумкин эмас.

10.4. Жамият мустақил равишда Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ва ходимлар (штат) жадвалини ишлаб чиқади, ходимларнинг билимлари ва кўникмалари даражасини белгилайди, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги масалаларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳал қилади.

10.5. Белгиланган муддатларда олинган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек қонунда белгиланган ҳисоботларни статистика, молия ва солиқ органларига топширади.

10.6. Жамиятнинг молия йили календарь йили билан бир хил. Биринчи молия йили жамият иш бошланган йилнинг 31 декабрида тугайди.

10.7. Жамият оператив, бухгалтерлик, статистик хисоб ва хисоботни амалдаги конунчиликка мувофик олиб боради. Директор ва бош бухгалтер хисобга олиш ва хисобот тартибига риоя килиш хамда уларнинг тугрилиги учун шахсан жавобгардилар.

## XI. ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ

11.1. Жамият барча мажбурий тўловлар ва солиқларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар Жамиятнинг фойдасини ташкил этади.

11.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даромаддан белгиланган солиқлар ва тўловлар, шу жумладан давлат суғурта жамғармаси, пенсия жамғармасига тўловлар, ижара тўлови ва ҳ.к. тўланади.

11.3. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчиси томонидан олиниши тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчиси оладиган фойдасини аниқлаш тўғрисидаги қарори жамият иштирокчиси томонидан қабул қилинади.

11.4. Жамият устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг захира фонди Қонунда назарда тутилган ҳолларда унинг зарарларини қоплаш ва жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжаллангандир.

11.5. Жамиятнинг кўрган зарарлари захира фонди ҳисобидан қопланади. Агар захира фонди камлик қилса, иштирокчи қарорига кўра бошқа фондлар ва воситалар ҳисобидан қопланади.

## XII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

12.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб:

- Жамият иштирокчиси жамият бошқарувчиси ҳисобланади.
- Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) томонидан амалга оширилади.
- Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчисига ҳисобдордир.

12.2. Жамиятда кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси тузилмайди.

## XIII. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

13.1. Жамиятнинг бошқарувчиси бўлиб Жамият иштирокчиси ҳисобланади.

13.2. Жамият иштирокчисининг ваколатлари жамиятнинг ушбу устави билан Қонунга (амалдаги қонунчиликка) мувофиқ белгиланади.

13.3. Жамиятнинг иштирокчиси кун тартибидаги масалаларни ҳал килиш ва қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

13.4. Жамият иштирокчисининг мутлоқ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ❖ Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ Жамиятнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш;
- ❖ Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш (белгилаш ва ўзгартириш);
- ❖ Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- ❖ Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ❖ Йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- ❖ Жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчиси томонидан аниқлаш (ва олиши) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- ❖ Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- ❖ Бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ Тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- ❖ Қонунда ва мазкур уставда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш

Жамият иштирокчисининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

13.5. Юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан, шунингдек жамиятнинг уставида белгиланган бошқа масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан якка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

## XIV. ЖАМИЯТНИНГ ЯККАБОШЧИЛИК АСОСИДАГИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ (кейинги ўринларда «директор»)

14.1. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) жамият иштирокчиси томонидан тайинланади. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи унинг иштирокчиси бўлмаслиги ҳам мумкин.

14.2. Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс ўртасидаги шартнома жамият номидан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахе тайинлаган жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.
14.3. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи сифатида фақат жисмоний шахс иш юритиши мумкин.
14.4. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи:
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
- Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлар очади;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини ва ходимлар жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
- Жамият бўйича ҳисоботлар тақдим этилишини ташкиллаштиради;
- Директор Жамият таъсисчисига ҳисобот беради ва унинг олдида Жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.
- Жамият иштирокчиси қарорларини тузиш ва бажаришни ташкиллаштиради ва уларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;
- Қонун ва жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиси ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби жамиятнинг ҳужжатлари билан, шунингдек жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

## XV. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Жамиятда алоҳида назорат қилувчи органнинг тузилиши кўзда тутилмаган.
15.2. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат жамият таъсисчиси ёхуд мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.
15.3. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фоалиятини аудиторлик ташкилоти текширади.

## XVI. ХОДИМЛАР

16.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини имзолайди. Ушбу шартноманинг мазмуни, шу жумладан «Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Низом» Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, шунингдек Жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.
16.2. Жамият ходимлари — Ўзбекистон Республикаси фукароларининг иш вақти ва дам олиш тартиби, уларнинг ижтимоий, пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинади. Ушбу нормалар Жамиятнинг чет эллик ходимларига ҳам тадбиқ этилади, ҳар бир чет эллик ходим билан алоҳида тузиладиган шартнома (контракт) да ҳал қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат таътиллари бериш, пенсия таъминоти масалалари бундан мустасно.

## XVII. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

17.1. Жамиятнинг тижорат сири дейилганида тарқатилиши (бериш, узатиш) унинг манфаатларига зарар етказувчи, Жамиятни бошқариш, режалаштириш, молиялаштириш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган услубий ахборот, маълумотлар тушунилади.
17.2. Ҳар бир ходим Жамиятнинг молиявий ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай, шу жумладан тасодифан олинган маълумотнинг тарқалиб кетмаслик чораларини кўриши ва бундай ахборотнинг тарқатилишидан огоҳлантириш шарт.

17.3. Тижорат сири тарқатилган ҳолда Директор ахборотнинг тарқалишидан огоҳлантириш учун барча чораларни кўради ҳамда айбдор шахсга нисбатан уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни қўллайди.

## XVIII.ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси»нинг 49—55-моддаларида ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49—55-моддаларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.
18.2. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чикариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.
18.3. Жамият Қонун ва жамият устави талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланган тартибда ихтиёрий равишда тугатилиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.
18.4. Жамиятни давлат рўйхатига олган орган томонидан ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб тугатиш тугалланган, Жамият эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.
18.5. Жамиятни тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## XIX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19.1. Мазкур Устав – Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.
19.2. Мазкур Устав(да) билан тартибга солинмаган масалалар ва муаммолар, Уставда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

***УШБУ УСТАВНИ ИМЗОЛОВЧИ ТАЪСИСЧИ:***

2109169

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ELEVATION INFINITY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ELEVATION INFINITY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.05.2019 723742 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306427483

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Chilonzor 8-mavzesi, 50-uy, 66-xonadon.,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 2227-5260-50c9-d9cb-1123-2984-9736
Ҳужжат яратилинган сана: 2021-03-16
Ариза рақами: 27874604

Ҳужжат берилган: "ELEVATION INFINITY" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 306427483

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ**

"ELEVATION INFINITY" mas'uliyati cheklangan jamiyati га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 16-03-2021 йил

Лицензия рақами: АЛ-001691

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 306427483

Юридик шахснинг почта манзили: CHILONZOR 8-MAVZESI, 50-UY, 66-XONADON.

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

НОСИРОВ ОБИДЖОН ШАРОФОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

0794

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
RAJABOV

ISMI
SHEROZJON

JINSI
ERKAK

OTASINING ISMI
SHOKIRJON O'G'LI

TUG'ILGAN SANASI
03 01 1994

TUG'ILGAN JOYI
TAYLOQ TUMANI

MILLATI
O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN
SAMARQAND VILOYATI TAYLOQ
TUMANI IIB

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

| PASPORT PASSPORT | TURI / TYPE | DAVLAT KODI / COUNTRY CODE | PASPORT RAQAMI / PASSPORT No. |
|---|---|---|---|
| | P | UZB | AC1329380 |



FAMILIYASI / SURNAME
RAJABOV

ISMI / GIVEN NAMES
SHEROZJON

FUQAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
03 01 1994

JINSI / SEX
M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH
SAMARKAND REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
21 10 2018

PERSONALLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
20 10 2028


P<UZBRAJABOV<<SHEROZJON<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AC13293808UZB9401035M2810205303019440500700 4

6 MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS

YASHASH JOYI / ADDRESS 7

SAMARQAND VILOYATI

RO'YXATGA OLINGAN

04 10 20..

6

7

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
MAMARIZOYEV

ISMI
NODIR

OTASINING ISMI
YUSUFOVICH

TUG'ILGAN SANASI
12 09 1982

TUG'ILGAN JOYI
SAMARQAND SHAHRI

JINSI
ERKAK

MILLATI
O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN
SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND SHAHAR IIB

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

TURI / TYPE: P
DAVLAT KODI / COUNTRY CODE: UZB
PASPORT RAQAMI / PASSPORT No.: AA9708581



FAMILIYASI / SURNAME
MAMARIZOEV

ISMI / GIVEN NAMES
NODIR

FUQAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
12 09 1982

JINSI / SEX
M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH
SAMARKAND REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
16 05 2015

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
15 05 2025

PERSONALLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE

UZB

P<UZBMAMARIZOEV<<NODIR<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<
AA97085816UZB8209120M2505152312098238000264O

MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS

HARBIY XIZMATGA

YASHASH JOYI / ADDRESS

SAMARQAND VILOYATI
SAMARQAND SHAHAR IIB
RO'YXATGA QO'YILGAN
imzo

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI